O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 106 (9.450) 2000 йил 6 сентябрь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

## ОМАД ЁР БЎЛСИН, ОЛИМПИАДАЧИЛАР!

**Яна ўн кундан сўнг Австралиянинг Сидней шаҳрида спорт оламидаги энг улкан ва нуфузли мусобақалар — XXVII олимпиада баҳслари бошланади. Шуни қувонч билан таъкидлаш керакки, унга мамлакатимиз спортчилари жиддий ва пухта ҳозирлик кўрдилар. Сиднейда 13 спорт тури бўйича 77 нафар энг кучли спортчиларимиз ўз куч-маҳоратларини намойиш этган ҳолда ғалаба учун кураш олиб борадилар.**

**БУГУН** эрта тонгда «Тошкент — Куала-Лумпур» йўналиши бўйича ҳаво кемасида боксчи ва эркин курашчиларимиздан ташқари барча спортчиларимиз, делегация аъзолари олимпиадада қатнашиш учун йўлга чиқдилар. Улар Куала-Лумпурда бир оз дам олишгач, «Куала-Лумпур — Сидней» йўналиши орқали парвоз қилиб ўз манзилларига етиб борадилар.

**КЕЧА** олимпиадада иштирок этувчи спортчиларимиз қутлуғ сафар олдидан буюк соҳибқирон Амир Темур бобомиз ёдгорлигини зиёрат қилиб, унинг ҳайкали пойига гуллар қўйишди. Сўнг «Олимпия шон-шуҳрати» музейида шаҳар жамоатчилиги вакиллари, журналистларнинг олимпиадачиларимиз билан учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси Баҳодир Маҳситов, Ўзбекистон Республикаси Олимпия қўмитасининг президенти Собиржон Рўзиев, бокс бўйича жаҳон чемпиони, олимпиада ўйинлари совриндори Руфат Рисқиев, дзюдо бўйича мураббий Рустам Тўраевлар спортчиларимизни олимпиадада қатнашишдек юксак муваффақият билан қутлаб, Сидней баҳсларида уларга омад ва бахт тиладилар. Олимпиадачиларимиз номидан Камол Муродов, Светлана Кузнецова, Дилшод Орипов, Сергей Войновлар сўзга чиқишиб, мусобақаларга пухта тайёргарлик кўришгани, олимпиа нишонларини қўлга киритиш учун бор куч-маҳоратларини сарфлашларини билдиришди.

— Кайфиятим аъло даражада, яхши спорт формасидаман, — деди биз билан суҳбатда 66 килограммгача вазнда олимпиадада иштирок этувчи дзюдочимиз, икки марта Осиё чемпионатларининг совриндори, Тунисда ўтган «Гран При» тоифасидаги халқаро мусобақаларнинг ғолиби Мансур Жумаев. — Олимпиадага қадар Туркиянинг Анталия шаҳрида ўқув-машқ йиғинларини ўтказдик. Охирги йиғинлар эса Чирчиқда бўлди. Япония, Куба, Корея Республикаси; Европа давлатларидан олимпиадада кучли дзюдочилар қатнашади. Мен уларнинг барчаси билан халқаро мусобақаларда беллашганман. Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган ҳолда Сиднейдан медаллар билан қайтишга ҳаракат қиламан.

Биз ҳам барча олимпиадачиларимизга яшил қитъада омад ёр бўлишига тилакдошмиз.

**Дилшод ИСРОИЛОВ.**

## ДАВР САДОСИ

«Тошкент оқшоми»

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИГА МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 9 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРНИНГ ДАВЛАТ ВА ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИДАН ДИЛ ИЗҲОРИ БИТИЛГАН САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР КЕЛИШИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.**

◆ Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президентининг амнистия тўғрисидаги Фармони эълон қилиниши муносабати билан матбуот анжумани ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва Адлия вазирликлари, Бош прокуратураси ҳамда Олий суди раҳбарлари иштирок этди.

◆ Ўзбекистоннинг етакчи банкларидан бири — «Асака» банки Осиё банкирлари уюшмасига (ОБУ) аъзо бўлди.

◆ **Кеча** Андижон вилоятининг қуруқ Улуғнор тумани пахтазорларида биринчилардан бўлиб ўнлаб «Кейс»лар пахта теримига сафарбар этилди.

◆ Самарқандда «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» ҳарбий-ватанпарварлик қўшиқлари фестивали бўлиб ўтди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш бош бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқлолнинг 9 йиллиги арафасида эълон қилинган амнистия тўғрисидаги Фармонининг ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

◆ Беруний туманида улуғ қомусчи аллома, буюк ватандошимиз Муҳаммад ибн Аҳмад Абу Райҳон ал-Беруний таваллудининг 1027 йиллигига бағишланган тадбир ўтказилди.

◆ Гулистон тумани маркази — Деҳқонобод қўрғонида янги коллеж фойдаланишга топширилди.

◆ Оқдарё тумани марказий шифохонаси қошида шошилинч тиббий ёрдам маркази ташкил этилди.

◆ Мустақиллик байрамининг 9 йиллиги муносабати билан Мирзо Улуғбек тумани ҳудудида жойлашган «Боғи Эрам» оромгоҳида Оқибат маҳалласи аҳолиси учун мушоира бўлиб ўтди.

◆ Тошкент вилоятининг Оққўрғон тумани марказий ўйингоҳида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 9 йиллиги ҳамда Соғлом авлод йилига бағишланган Алпомиш спорт ўйинлари фестивалининг вилоят босқичи ниҳоясига етди.

◆ Наманганда гуллар байрами ўтказилди.

◆ Мамлакат Қуролли Кучлари Марказий музейида «Рассом» ижодий уюшмаси аъзоларининг бадиий кўргазмаси очилди.

◆ **Кеча** Фарғона шаҳридаги Марказий ўйингоҳда Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллудининг 910 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган ўзбек курашининг иккинчи тури «Белбоғли кураш» бўйича халқаро турнир якунланди.

### ЖАҲОНДА

◆ Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 9 йиллиги арафасида Москвадаги «Дрофа» нашриётида «Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик — тараққиёти негизи» номли китоби кўп нусхада чоп этилди. Россиялик журналистлар Меҳмон Гафарли ва Алан Касаевларнинг мазкур асари бугунги кунда жаҳонда Ўзбекистонга ва унинг қадимий заминида юз бераётган жўшқин ўзгаришларга қизиқиш янада ортаётганлигининг яна бир далилидир.

◆ **Кеча** Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Японияга қилган расмий ташрифи якунланди.

◆ «Франс Пресс» агентлигининг хабар беришича, шу кунларда Ироқ ҳукумати раҳбари Саддам Ҳусайннинг соғлиғи ҳар қачонгидан ҳам оғирлашган. Шу муносабат билан Ироқ раҳбари лозим топилган вақтда ўзининг қатор вилоятларини кенжа ўғли Қусай Ҳусайнга топширишини маълум қилган.

◆ **Бугун** БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида БМТ Бош ассамблеясининг 55-сессияси очилди.

◆ Исроил Бош вазири Эҳуд Барак ижтимоий соҳадаги ислоҳотлардан келиб чиққан ҳолда Диний ишлар вазирлигини тугатиш қарорига келганлигини маълум қилди.

◆ Қирғизистон жанубидаги автомобиль йўлларида Ички ишлар вазирлигининг 27 та қўшимча назорат масканлари очилди. Бу ерда хизмат қилаётганларнинг асосий вазифаси жангариларнинг республика ичкарисига кириб олишига йўл қўймаслик, қурол-яроғ ва гиёҳвандлик моддаларини тутиб қолишдан иборат.

◆ Қозоғистонда «Карабас-Қарағанда» темир йўлининг етти юз қирқ еттинчи километрида кўмир ортилган учта вагон рельсдан чиқиб кетди. Дастлабки маълумотларга қараганда, ҳалокатга ғилдиракдаги носозлик сабаб бўлди.

◆ Эрон ҳукумати яқинда хорижий сармояларни ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш борасида янги қонун қабул қилди. Ҳукумат ва парламент бундай йўл тутиш билан 50 йилдан буён амал қилиб келаётган эски қонунни ўз кучини йўқотган, деб эълон қилди.

◆ БМТ Бош котибининг Конго Республикасидаги махсус вакили Комил Маржоний Конго ҳукуматининг БМТ вакиллари учун мамлакатда фаолият юритишга шароит яратиб бериш ҳақидаги қарорини маъқуллади.

◆ Танзаниянинг Аруша шаҳрида Бурундидаги ўзаро урушаётган тутси ва хуту элатлари ўртасида оралиқ тинчлик битими имзоланди. Бу ҳужжат Бурундидаги фуқаролар урушига чек қўйиши лозим.



**Бектемир туманидаги ихтисослаштирилган таъмирлаш ишлаб чиқариш тажриба корхонасининг марказий базасида ўз касбига ихлос қўйган кўплаб ишчилар меҳнат қилишади. Маҳмуд Мусоқулов ҳам ана шундай ишчилардан биридир.**

**СУРАТДА: Маҳмуд Мусоқулов иш устида.**

**Усмон Усмонов олган сурат.**

*Саноат*

## ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДАСТУРХОНИГА

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида фаолият кўрсатаётган «Руста Қандолат» масъулияти чекланган жамият жамоаси маҳсулот сифатини яхшилаш билан бирга унинг турларини кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда.

Корхонада 18 хил миллий ширинликлар ва шарқ қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Яқинда улар 2 турдаги янги маҳсулот — сулили ва жўхорили печеньеларни ҳамшаҳарларимиз дастурхонига тортиқ этишди.

— Ҳозирги кунда ойига 70 тоннадан ортиқ турли ширинликлар тайёрлаяпмиз, — дейди корхона раҳбари Мансур Муталов. — Улар орасида халқимиз севиб истеъмол қиладиган новвот, пашмак, парварда, обакидандон ва бошқа маҳсулотлар бор. Ўтган ярим йилда 500 тоннага яқин маҳсулот тайёрлаб, 4 миллион 642 минг сўмлик соф фойда олдик. Келгусида эса маҳсулот сифатини янада ошириш, турини кўпайтириш мақсадида цехларимизни янги дастгоҳлар билан жиҳозлашни режалаганмиз.

Йил охиригача жамоа ишчи-хизматчилари ёнғоқла печенье ва 2 хил печенье маҳсулотларини ишлаб чиқариб харидорларга етказиб бериш ниятидалар. Шу боис ҳам корхона тадбиркорлари изланиш ва интилиш билан иш юритишмоқда.

**Дилноза ИЛЁСОВА.**

*Кўргазмалар*

## МАТБАА, НАШРИЁТ АНЖОМЛАРИ НАМОЙИШИ

1999 йилнинг сентябрь ойида «O'ZBEK in PRINT» деб номланган матбаа анжомларининг биринчи халқаро кўргазмаси ташкил этилган бўлиб, катта муваффақият билан ўтди. Ушбу кўргазма мамлакат нашриёт-матбаа мажмуаси хизмат турларининг кенгайишига имкон туғдирган ҳолда мазкур тармоқ корхоналарининг янада ривожланиши ва янгиланишига сезиларли таъсир кўрсатди.

Мутахассис ва тадбиркорларнинг ўтган кўргазмага кўрсатган катта қизиқишлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан кичик, ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш бўйича қўйилган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда «Сюр Пресс» фирмаси «Пол Рос» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси билан ҳамкорликда ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат матбуот қўмитаси, «Ўзэкспомарказ» Республика савдо-кўргазмалар маркази ва Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонасининг қўллаб-қувватлаши остида тара қадоқлаш ва этикеткаларнинг «O'ZUPACK» деб номланган биринчи халқаро кўргазмасини ташкил этдилар.

Ўтган куни «Ўзэкспомарказ» РСКМда очилиб то 8 сентябрга қадар давом этадиган ушбу кўргазмада йигирмадан ортиқ хорижий ва ўттизга яқин Ўзбекистон компаниялари иштирок этмоқда. Кўргазмага ташриф буюрган мутахассислар ушбу корхоналарнинг замонавий таралар, қадоқлаш ва этикетка анжомлари, озиқ-овқат маҳсулотларини қадоқлаш воситалари, қадоқлаш ва этикетка ташқи кўринишини ишлаб чиқиш бўйича хизматлар, шунингдек, уларни ишлаб чиқариш бўйича хизматлари билан танишишлари, улар билан шартномалар тузишлари мумкин. Ўзбекистон, Россия ва Қозоғистоннинг 14 та даврий нашрлари кўргазмасини ахборот томонидан қўллаб-қувватлаш ишини амалга оширмоқдалар. Ташкилий қўмита асосий эътиборни «Қадоқлашнинг ахборот маркази»нинг фаолиятига қаратган бўлиб, кўргазмага ташриф буюрганлар ушбу марказ орқали қадоқлаш саноатининг барча асосий мавзувий бўлимлари бўйича батафсил маълумотлар ва махсус шарҳлардан баҳраманд бўлмоқдалар.

Кўргазма давомида техник ва технологик семинарлар, маҳсулотларини намойиш этаётган фирмалар ва республикамиз ҳудудида татбиқ этилаётган янги лойиҳаларининг тақдимот маросимлари бўлиб ўтмоқда.

**Дамир ИСЛОМОВ.**

**СУРАТЛАРДА: «O'ZUPACK» кўргазмасидан лавҳалар.**

**Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.**





*Тошкент шаҳар ҳокими кубоги учун*

## «БЕКТЕМИР» ВА «АКАДЕМИЯ» – ФИНАЛДА



**Пойтахтимизда футболни янада ривожлантириш, миллий чемпионатимизнинг олий лигада тўп сураётган етакчи жамоалар учун муносиб футболчилар етказиб бериш мақсадида ҳар йили Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, шаҳар футбол федерацияси ҳамкорликда футбол бўйича турли хил турнирлар ўтказиб келмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 8 сентябрь куни «Пахтакор» стадионида Тошкент шаҳар ҳокими кубоги мусобақасининг финал ўйини ўтказилади.**

Ушбу турнирни ўтказиш тартиби бу йил қандай кечди ва қайси жамоалар финалга йўлланма олди? Ушбу саволларга жавоб олиш мақсадида мухбиримиз Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси Суҳбат Пўлатовга мурожаат қилди.

— Дарҳақиқат, футбол спорт турлари орасида ўзининг оммавийлиги билан алоҳида ўрин эгаллайди. Шу боис ҳам футболни янада ривожлантириш, севимли жамоамиз «Пахтакор»га муносиб ўринбосарлар тайёрлаш доим шаҳар ҳокимлиги, жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг диққат марказида. Мана 5 йилдирки Ўзбекистон чемпионатининг иккинчи лигадаги пойтахт жамоалари ўртасида шаҳар ҳокими кубоги мусобақаси анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда. Аввалги йиллари ушбу мусобақаларда 16 жамоа ўзаро куч синашган бўлса, жорий йилда мусобақада қатнашаётган жамоалар сони яна 6 тага кўпайди. Яъни бу йилдан эътиборан 22 жамоа ғолиблик учун ўзаро куч синашди. Жума куни эса «Пахтакор» стадионида ўтказиладиган ушбу турнирнинг финалида Бектемир туманининг «Бектемир» ҳамда республика Ички ишлар вазирлиги Академиясининг «Академия» жамоалари ғолиблик учун кураш олиб боришади. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ҳар икки жамоа кубокни қўлга киритиш учун етарли имкониятга эга. Сабаби «Бектемир» 1997 йилда ҳам ушбу турнирнинг финалида иштирок этган, аммо ҳал қилувчи ўйинда Ҳамза туманининг «Турон» жамоасига имкониятни бой берганди.

«Академия» эса ўтган йилги шаҳар ҳокими кубоги мусобақасининг ғолиби ҳамда 1998 йилги мусобақа финалчисидир. Фурсатдан фойдаланиб барча футбол ишқибозларига 8 сентябрь, жума куни «Пахтакор» стадионига келиб ушбу қизиқарли беллашувнинг гувоҳи бўлинг ва севимли жамоаларингизни қўллаб-қувватланг, дейман.

**Суҳбатдош Акбар ЙЎЛДОШЕВ.**

## ЎЗБЕКИСТОНДА СИЁСИЙ МАҲБУСЛАР ЙЎҚ

Кейинги пайтларда айрим хорижий оммавий ахборот воситалари ва баъзи инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари Ўзбекистонда гўё қандайдир сиёсий маҳбуслар борлиги ҳақида асоссиз хабарлар тарқатмоқда. Чет элдаги айрим журналистлар юртимизга нисбатан амалга оширилаётган террорчилик, диний экстремистик ҳаракатларни нотўғри талқин қилиб, мақолалар эълон қилмоқда. Бу билан улар оммани чалғитишга ва жиноятчиларнинг тегирмонига сув қуйишга уринмоқда.

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида Ўзбекистон Олий суди, Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Прокуратураси масъул ходимлари оммавий ахборот воситалари вакилларига ушбу масала юзасидан батафсил маълумот берди.

Жумладан, адлия вазири Абдусамад Полвонзода журналистларнинг саволларига жавоб қайтарар экан, Ўзбекистон Конституциясида ва қонунларида фуқароларнинг виждон эркинлиги таъминланиши аниқ ёзиб қўйилгани, одамларимиз ўзи истаган динга эътиқод қилиши ёки умуман эътиқод қилмаслиги кўрсатилганини таъкидлади.

— Собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистонда атиги саксонга яқин масжид фаолият кўрсатарди,. — деди, жумладан, А. Полвонзода. — Улар ҳам тегишли органларнинг қаттиқ назорати остида эди. Ҳатто раҳбар ходимлар ўз яқинларининг жанозасига бора олмаган пайтлар бўлган. Энди эса мустақил Ўзбекистонда бирор инсон ўз диний эътиқоди учун таъқиб этилаётгани йўқ ва этилмайди ҳам. Мамлакатимиздаги масжидлар сони эса икки мингга яқинлашиб қолган. Насронийларнинг юз элликдан ошиқроқ, шунингдек, бошқа дин вакилларининг ҳам кўплаб ибодатхоналари ишлаб турибди. Шундай экан, диний экстремизм, террорчилик, босқинчилик, одам ўлдириш, мавжуд конституциявий тузумга ағдариб ташлашга уриниш каби ҳаракатларни амалга оширгани учун қамалган жиноятчиларни «сиёсий маҳбус» деб гўё «ҳимоя қилиш» қайси мантиққа тўғри келади?

Жаҳоннинг қайси мамлакатини олиб қараманг, конституциявий тузумга дахл қилиш, бузғунчиликни мақсад қилган ташкилотлар тузиш, унга раҳбарлик қилиш ёки фаолиятида бевосита иштирок этиш қонун томонидан тақиқланади. Дунёвий, демократик жамият қуришдек олий мақсадни кўзлаган Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас. Ўзбекистонда конституциявий тузумни ағдариб ташлаш мақсадида ўзаро тил бириктирган Тоҳир Йўлдош, Жума Намангоний сингари халқаро террорчилар ва уларнинг гумашталари томонидан қилинаётган ишлар жиноят саналмаса, унда нима? Ўтган йилнинг 16 февраль воқеалари халқимизнинг ёдидан ҳали кўтарилгани йўқ. Ўшанда шаҳримизнинг энг гавжум жойларида «автомобиль-бомбалар» портлатилган эди. Бу жиноят эмасми? Оддий одамлар ҳаётига қасд қилганлар бу иши учун қамалса, уларни «сиёсий маҳбус» деб аташ тўғри бўладими? Бундай шахслар қонун олдида қилмишларига яраша жавоб бериши керак ва бераяпти ҳам.

**(ЎзА).**

*Мусоҳаба*

# ЭЛИМИЗ САОДАТЛАРИ

Хотин-қизларнинг жамиятдаги, оиладаги ўрнини оширишда, мустаҳкамлашда, унга энг яқин мададкор бўлиб, қувончу ташвишларини баҳам кўришда, маънавиятини юксалтириб фарзандлари камолини таъминлашга кўмак беришда жойлардаги хотин-қизлар қўмиталарининг роли катта, ҳиссаси беқиёс бўлмоқда. Бугунги суҳбатдошимиз — Чилонзор тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Муаттар СОДИҚОВА билан ана шулар ҳақида гурунглашдик.

**— Муаттар Аъзамовна, суҳбатимизни туман хотин-қизларининг фаолиятидан бошласак.**

— Айни муддао. Туманимизда 43 та маҳалла бўлиб, улардаги хотин-қизлар кенгашлари раислари мустақиллик ғояларини ҳар бир инсон қалбига сингдириш мақсадида ибратли тадбирларни амалга оширмоқдалар. Ҳар бир маҳаллада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Яқинда ўтказилган «Маҳалла куни», «Энг ибратли қайнона», «Гулим, уйим, шаҳрим» кўрик-танловлари барчада унутилмас таассуротлар қолдирди.

Шунингдек, кўп болали оналаримизни, боқувчисини йўқотган кексаларимизни, уруш ва меҳнат фахрийларини, ногиронларнинг кўнглини кўтариб, уларга совға-саломлар улашдик. Маҳаллаларда ўтказилган тадбиримиз ёшларимизда Ватанга меҳр-муҳаббат, миллий қадриятларимизга садоқат уйғотиши шубҳасиз.

**— Халқимизда «Гул ўсса уйнинг, қиз ўсса элнинг кўрки» деган ажойиб нақл бор. Балоғат ёшидаги қизларни ҳаётга тайёрлашда қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Чиндан ҳам қизларимиз элимиз кўрклари, эртанги истиқболимизни яратувчи фарзандларнинг оналари. Шу боис ҳам «Соғлом авлод» Давлат дастурини амалга оширишда Президентимиз белгилаб берган олти устувор йўналишдан бири ана шу балоғат ёшидаги қизлар тарбиясига қаратилган. Мактаб ва ўқув юртларида «Қизлар клуби» мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Қизларимизни мактабдаёқ ҳаётга психологик, жисмоний, тиббий ва маънавий жиҳатдан тайёрлаш мақсадида ўқитувчи ва шифокорларимиз, тажрибали онахонларимиз фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, қизлар ўртасида ўтказилган «Гўзаллар қироличаси», «Сиз ҳаёт бўсағасидасиз», «Наврўз маликаси» сингари тадбирларимиз ўз самарасини бермоқда. Яна шуниси қувонарлики, туманимиздаги 336-болалар боғчасида «Бегойим» гуруҳи очилиб, унга 2 ёшли қизалоқларни қабул қиламиз ва шарқона урф-одатларимиз руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратамиз.

**— Соғлом фарзанд соғлом оилада камол топади. Бунда аёлнинг саломатлиги муҳим ўрин тутади...**

— Ҳақ гап. Ана шу боис ҳам биз туманда ФҲДЁ бўлимлари қошида «Ёш оила» мактабини ташкил этганмиз. Бу мактабда оила саломатлиги ва мустаҳкамлигини таъминлаш учун керакли мутахассисларни жалб этган ҳолда суҳбат ва учрашувлар ўтказилади. Турмуш қуриш истагида бўлган ёш келин-куёвларни тиббий кўрикдан ўтказишга бўлган эътибор ҳам ўз самарасини бермоқда. Тиббий-ижтимоий патронаж орқали болалар, ўсмирлар ва туғиш ёшидаги 3000 та аёл амбулаториялар ёрдамида тиббий кўрикдан ўтказилди.

**— Кам таъминланган оилаларга, кекса ва ногиронларга кўрсатилаётган ёрдам тўғрисида ҳам айтиб ўтсангиз.**

— Албатта, бундайларга алоҳида эътибор қаратишни ўзимизнинг асосий бурчимиз деб биламиз. Шу боис ҳам жамғармалар билан ҳамкорликда уларни аниқлаш ва ёрдам кўрсатишга интиламиз. Кам таъминланган 8 та оилага «Наврўз» жамғармаси томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари, туман Қизил Ярим Ой жамияти тасарруфига олган 43 та оилага ёрдам берилди, 1800 кишига 158.680 сўмлик пойабзал тарқатилди. Кам таъминланган оилаларга нафақа пуллари ўз вақтида берилмоқда. Кўп болалик оилаларнинг фарзандларидан 30 нафари ёзги оромгоҳларда бепул йўлланма билан ҳордиқ чиқаришди.

Тумандаги 10 нафар ногирон бола бепул компьютер сабоғини олиш учун ўқув марказларига юборилди. Меҳрибонлик уйларида «Меҳрдан олам мунаввар» хайрия тадбири ўтказилиб, ҳокимлик ва ҳомийлар томонидан совға-саломлар топширилди. Яқинда туман ижтимоий таъминот бўлими қошида туман ҳокимлиги ва қўмитамиз ташаббуси билан «Меҳр-мурувват» маркази ташкил этилди. Унда боқувчисини йўқотган, ёлғиз қариялар 10 кун давомида дам олиб, даволанадилар.

**— Қўмитага ёрдам сўраб мурожаат этаётган аёлларга қандай мадад берилмоқда?**

— Бизга мурожаат этганларга қўлимиздан келганича ёрдам беришга имкон топамиз. Уларнинг кўпчилиги уй-жой, оилавий низолар, моддий ёрдам сўраб мурожаат этишади. Айни кунларда бизга мурожаат этган Зулхумор Абдуллаева, опа-ука Бурхонбековларнинг ишларини ижобий ҳал этишга муваффақ бўлдик. 22-Меҳрибонлик уйида тарбияланган ҳеч кими йўқ ёлғиз ҳомиладор аёл, ҳозирда она бўлган Светлана Остроуховага хотин-қизлар қўмитаси моддий ва маънавий ёрдам кўрсатди. Шу ўринда мени бир муаммо ўйлантиради. Болалар уйида тарбияланган ўғил-қизларимизни балоғат ёшига етгач ўқиш ёки ишга жойлаштириш, ҳаётда ўз ўринларини топишларига ёрдам бермоғимиз зарур. Акс ҳолда 16-17 ёшли ўсмирлар, қизлар адашишлари, нотўғри йўлларга кириб кетишлари мумкин.

**— Нималар сизни ўйлантиради?**

— Аёллар ўртасидаги жиноятчилик. Фарзанд туғадиган, уни ўстириб тарбиялайдиган аёлнинг жиноятга қўл уриши, ёмон йўлга кириб кетиши асло кечирилмас ҳол, энг оғриқ нуқта деб биламан. Бу борада хотин-қизлар қўмитаси жуда кўп ишлар қилиши, аёлнинг маънавиятини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим. Яна шуни айтишим лозимки, эркакларимизнинг ғурури йўқолмасин. Оила салтанатининг султони бўлган эркакларимиз ҳаётда ўғиллар учун ҳақиқий намуна бўлмоғи лозим. Мустақиллигимиз миллий қадриятларимиз қатори эркакнинг жамиятдаги, оиладаги мавқеини тиклади. Ўғилларимиз отасига эргашиб ҳақиқий ғурури баланд эркак бўлсин. Ана шунда аёлларимизнинг ҳам қадди баланд, ҳам қадри юксак бўлади, чунки хотин-қизларимиз элимиз саодатларидир.

*Танловлар*

# ХОНАДОНИ ГУЛЗОР БЕКАЛАР

**Турфа гулларни кўриб завқланмаган, райҳону жамбил ҳидидан дили равшан тортмаган инсон бормикан?! Ҳар бир ўзбек хонадони борки, албатта йўлакларга, ҳовлисининг кўзга ташланадиган жойига райҳону гулчечаклар экиб парваришлайди. Бу анъана отадан ўғилга, онадан қизга ва набираларга ўтиб давом этаверади.**

Пойтахтимизда ҳам ўз хонадонини, кўчаю маҳалласини нафақат ораста, балки кўкаламзор ва гулзор этаётган, қўни-қўшнилари, фарзандлари қалбида ҳам гўзалликка меҳр уйғотаётган инсонлар кўплаб топилади. Бунга куни кеча якун ясалган Тошкент шаҳар ҳокими фармойиши асосида ўтказилган «Гулим, уйим, шаҳрим» кўрик-танлови иштирокчиларини мисол қилиб келтириш мумкин.



— Шаҳар аҳолиси, оилалар, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни етиштириш, улар ўртасида озодалик, тозалик, экологик ва эстетик маданиятни, дунёқарашни такомиллаштириш, ўз хонадонини, кўчасини, маҳалласини ораста тутиш, онатабиат ва юртга бўлган муҳаббатини кучайтириш мақсадида ушбу кўрик-танлов эълон қилинган эди, — дейди Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова кўрик-танлов ғолибларига совғаларни топширар экан. — Бизни ва ҳайъат аъзоларини гўзалликка, орасталикка ошуфта инсонлар шаҳримизда жуда кўплиги қувонтирди ва уларнинг энг сараларини пойтахтимиз аҳолисига ибрат қилиб кўрсатишга қарор қилдик.

Биринчи ўрин Мирообод туманида яшовчи Маҳсума Ниёзовага насиб этди. Ғолиба «Наврўз» хайрия жамғармаси томонидан рангли телевизор билан мукофотланди. Иккинчи ўрин соҳибалари — сирғалилик Рихсихон Эрматова, Акмал Икромов туманидан Мавлуда Сулаймонова, учинчи ўринга сазовор бўлган шайхонтоҳурлик Муяссар Ҳошимова, чилонзорлик Шарофат Тўрабекова, Собир Раҳимов туманидан Манзура Усмоновалар ҳам «Маҳалла» ва «Экосан» шаҳар жамғармасининг совғаларини қўлга киритдилар.

Ўйлаймизки, ушбу танлов пойтахтимиз аҳолиси ораста бекалари дилига эзгу ниятлар солиб, шаҳримизни энг гўзал масканга айлантиришга ундаган бўлса не ажаб!

**СУРАТДА: ғолиба Маҳсума Ниёзова мукофотни қабул қилмоқда.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган сурат.**

*Аёл борки, олам мунаввар*



# ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГУЛЛАРИ

*Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг саҳифаси*

*2000 - Соғлом авлод йили*

# «ҚАНОТ»ИГА МАДАД БЎЛГАН ОНАХОН

Тинч-тотув хонадонда файз-барака бўлади. Файз-барака бор оила фарзандлари эса ҳамиша соғлом, баркамол бўлиб вояга етадилар. Ана шундай тотув-иноқликни таъминлаб, келинларни «болам», набираларини «данагидан мағзи ширин» деб улғайтираётган оналаримиздан бири Сергели туманининг «Қўшқўрғон» маҳалласида яшовчи Қундузхон ая Йўлдошевадир.



Бугун Қундузхон аянинг ибрати, оила мустаҳкамлигига қўшаётган ҳиссаси пойтахтимиздаги юзлаб хонадонларга кириб борган бўлса ажаб эмас. Негаки, онахон шаҳримизда ўтказилган «Энг ибратли қайнона» кўрик-танловининг ғолибаси бўлди. Унинг оила тутишдаги оқила бекалиги, келинлар билан муносабатдаги доною зукколиги ана шундай муваффақиятга эришишига сабаб бўлди.

Қундузхон Йўлдошева асли педагог. 35 йилдан ортиқ шаҳримиздаги 268-мактабда тарих ва ҳуқуқ фанларидан ўқувчиларга сабоқ бериб келганлар. Бир неча йиллар мактаб илмий бўлим мудири лавозимида ишлаб фарзандларини пухта билим, яхши тарбия олишларига ўз ҳиссасини қўшган. Маҳаллада эса энг фаол аёллардан саналади.

— Қайси оилада келишмовчилик бўлса, Қундузхон аралашдими, албатта ижобий ҳал бўлади, — дейди маҳалла қўмитаси раиси Баҳром Исоқжонов. — Чунки унинг ўзидан ҳам, оиласидан ҳам ибрат олишади. Унинг устига маҳалладаги ёшларнинг барчасига сабоқ берган.

Қундуз опа 4 нафар ўғиллари — Равшан, Нодир, Рустам ва Баҳодирларни қанотларим деса, келинлари Саида, Зулхумор, Раъноxонларни хонадонимнинг файзлари, саранжом-саришталари дейди. Онанинг ўгитлари, ҳар бир муаммони ҳам оқилона ҳал этишлари қанотларини қайирмай, саранжом-саришталикларига путур етказмай келмоқда.

— 100 ёшли оқила онам борлар, — дейди Қундузхон ая фахр билан, — барча яхши сўзларни, оиладаги тадбиркорликни, қайнона-қайнотаю эрга, қайин-бўйинларга муносабатни у кишидан ўрганганман. Ана шу боис ҳам фарзандини яхшиликларга етакловчи она деб биламан. Ўзим оилада биринчи келин эдим. Тўрт қайнисинглим, тўрт қайним билан бирор марта «сан-манга» бормадик. Ҳар доим яхши-ёмон кунларимизда бир-биримизга ҳамроҳмиз.

— Сиз қайнонасиз, 3 нафар келинингиз бор. Ана шулардан бирортаси сизга ёқмайдиганроқ иш қилди. Сиз нима қиласиз? — сўраймиз онахондан.

— Аввало, менда шундай одат бор, — дейди онахон босиқлик билан, — боламнинг орқасидан келган келинимни ҳам фарзандим деб биламан. Хом сут эмган банда хато қилади, албатта. Ахир она ўз боласининг ҳар қандай айбини кечиради-ку. Агар келинларимда айб бўлса ҳам индамайман, кечираман. Кечиримлилик менимча ҳар қандай шароитда ҳам тинч-тотувликни таъминлайди. Яна шундай ўйлайман: ахир улар ҳам менга ўхшаган бир онанинг гулу чечаги-да. Менга у ўз ниҳолини бердими, энди уни меҳр билан парваришлаш зиммамдаги масъулият. Ана шунда у тотли мева беради. Бугунимдан суюниб, эртамга ишониб яшайман. 10 та набирам чуғурлаганда дилларим яйраб кетади. Ўзимнинг оиламда соғлом муҳит яратсам — болаларимнинг болалари соғлом, баркамол ўсади. Биз оналар шундай меҳнатимиз билан она Ватанимиз равнақига ўз ҳиссамизни қўшишимиз зарур деб биламан. Нима бўлганда ҳам онанинг бағри кенг, меҳр-муҳаббати беқиёс бўлиши керакда.



Қўни-қўшнилар ҳам Қундузхон опанинг маслаҳатларидан, тажрибаларидан ҳамиша баҳраманд бўлишади. Аянинг дилкашлиги, меҳрибонлиги қўшниларда ҳам меҳр уйғотади.

— Неча йиллик девор-дармиён қўшнимиз, — дейди Мавжуда Нишонова. — Қундуз опамизнинг хонадонидан бирон марта жанжал овозини эшитмаганмиз. Келинларнинг ҳам доимо яйраб-яшнаб, набираларининг шўх-шодон юрганларини кўриб ҳавасимиз келади. Албатта, онанинг мулоҳазаси, кенг феъли, тадбиркорлиги ўғилларининг қаддини баланд тутиб юришларида, тинч-тотув яшашларида асосий омил бўлмоқда.

Қундуз опа фарзандлари камолини кўриб қувонади. Чунки уларнинг барчаси ҳунарли, эл-юрт хизматида бўлишмоқда. Оналарининг олқиш олиб пойтахтда «Энг ибратли қайнона» деб топилиши эса нафақат ўғилларни, балки келинларни ҳам қувонтирди.

— Ойижонимиз ана шу номга муносиб қайноналар, — дейишмоқда Саида, Зулхумор ва Раъноxон Қундузхон аяни қучиб.

*Аёлларимиз — чет эллик хонимлар нигоҳида*

# МЕНИ МАФТУН ЭТАДИ

**Каори САН, Япония:**

— Ўзбек аёли ҳақида жуда кўп нарсаларни фахрланиб гапириш мумкин. Мен икки йилдан буён Тошкентда яшаб «Оилалар тинчлиги учун» федерациясида хизмат қилиб келаман. Хизмат юзасидан ўзбек оилаларида бўлиб, уларнинг яшаш шароитлари билан танишдим. Шу нарсани таъкидлаб айтишим лозимки, ўзбек аёли оилапарвар, ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам оиласини, болаларини биринчи ўринга қўяди.

Менга ўзбек оилаларидаги меҳр-оқибат туйғулари, катталарга бўлган ҳурмат, болалар тарбиясига бериладиган муҳим эътибор, айниқса оила бекаси — онанинг оқилалиги, фарзандларига меҳрибонлиги, ички ва ташқи гўзаллиги мени мафтун этади.

Хонадонларда бўлганимда шу нарсага амин бўлдимки ҳар бир аёл оилани муқаддас билади ва унинг тинчлиги, тотувлиги, фаровонлиги ҳақида қайғуради. Шунингдек, Ўзбекистонда аёлларга берилаётган эътибор, уларга кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиром, фарзандлар саломатлиги йўлидаги саъй-ҳаракатлар ниҳоятда ибратлидир.

Мен шаҳрингизда ўтказилган «Энг ибратли келинчак», «Энг ибратли қайнона» кўрик-танловларида иштирок этганимдан бениҳоя завқландим. Унда иштирок этган келинчак ва қайноналарнинг назокати, билими, зукколиклари ва айниқса санъаткорлигига қойил қолдим. Мен ҳозирда ўзбек тилини ўрганаяпман. Бу тил ниҳоятда гўзаллиги билан менга ёқади. Мақсадим эса ўзбек оилаларининг тинч-тотувлигига ўз ҳиссамни қўшиш, ўзбек ва япон аёллари ўртасида дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашда фаол иштирок этиш.

*Бека*

# МАСЛАҲАТЛАР

- Пиёзни қовуришдан олдин ун сепсангиз пиёз куймайди, ранги ҳам чиройли бўлади.
- Қозондан пиёз ҳидини кетказиш учун қизиган қозонга озгина чой шамаси сепсангиз кифоя.
- Пиёз тўғрашдан аввал пичоқни совуқ сувга ботириб олсангиз, кўзингиз ачишмайди.
- Ўта тузланган балиқни чойга, сутга, энг яхшиси квасга солиб қўйиш керак.
- Уй гулларини иситиш воситаларидан узоқроқ жойда сақлаганингиз мақсадга мувофиқдир.
- Саримсоқ егандан кейин бироз кашнич чайнасангиз, ҳиди кетади.

*Илғорларимиз*

# ИПАК ЖИЛОСИ

Попоп цехи тикувчилари ҳақида гап кетганда цех бошлиғи Маълума опа: — Барча чеварларимиз илғор, ўз вазифаларини юракдан бажаради, жамоа ютуғи, маҳсулот кўркамлиги ва сифати ҳақида қайғуради, аммо Санобар ана шу илғорлар ичида ўзининг кунт ва тажрибаси билан ажралиб туради. Тиккан сўзаналари кўзни яшнатади, — дедилар алоҳида таъкидлаб.

Бу гапни «Шарқ гули» масъулияти чекланган жамияти попоп цехи чеварлари ҳам маъқуллашди. Чиндан ҳам тикув машинаси ёнида чевар Санобар Жўраеванинг ишини зимдан кузатар эканмиз, бунга яққол гувоҳ бўлдик. Унинг моҳир қўллари чаққон ҳаракат қилади, нигоҳлари эса сўзанага тикилаётган ипаклар қатига қадалган...

— Болалигимданоқ келинларнинг уйларидаги сўзана, палак, дорпечларни кўриб уларга ҳавас билан боқардим, — дейди Санобар. — Менинг ҳам шундай нақшлар тикким келарди, нақшлардаги қандайдир сеҳр қалбимни тўлқинлантирарди. Шунинг учунми ўрта мактабни тугатгач шу ҳунарни ўрганишга аҳд қилдим. «Шарқ гули» корхонаси қошида очилган 6 ойлик курсда таҳсил олдим. Сўнгра попоп цехининг чорси тикадиган бригадасига ишга қабул қилиндим.

Санобар устозлари — Шарифа опа, Гулнора опа, Мактуба опа ҳамда Ёқут опаларнинг номини ҳурмат билан тилга олди. Устозлари унга нафақат касб сирларини мукаммал ўрганишда, балки оилали бўлганида етарли шарт-шароитлар яратишда ҳам ёрдам беришди. Шу боис ҳам ушбу корхона 20 йилдирки Санобар Жўраева учун қадрдон масканга айланиб қолган.

Санобар тикаётган ҳар бир маҳсулотига ипак рангларини танлашда алоҳида эътибор қаратади. Тўғриси, унга ипак жилолари илҳом беради. У ҳамкасблари Феруза Комилова, Мазлума Ражабова, Наргиза Ғуломовалар билан ҳамкорликда ишлайди. Бу дугоналар бир-биридан фикр олишади, ўрганишади, керак бўлганда эса ёрдам қўлини чўзади. Энг муҳими, халқимиз дидига мос, харидоргир маҳсулотлар тайёрлайди. Бу маҳсулотларда миллий қадриятларимиз, шарқона урф-одатларимиз ўз аксини топади.

Президентимиз томонидан 2000 йилнинг Соғлом авлод йили деб эълон қилиниши Санобар Жўраевани ҳам хурсанд этди. Чунки у ҳам оила бекаси, 4 нафар ўғил-қизнинг меҳрибон волидаси. Ана шу фарзандлари камолини кўриш ниятида корхона муваффақиятига ўзининг муносиб улушини қўшаётган попопчи аёл уларнинг ҳамиша соғлом, куч-қувватли бўлишларини истайди. Шу боис ҳам бу йўлда меҳнат қилади, ўз иши баракасидан илҳомланади. Зеро, касбига меҳр-муҳаббати боис ҳам жамоа олдида, фарзандлари олдида юзи доимо ёруғдир.

**Дилноза ҒИЁСОВА.**

**Саҳифани Шарифа ИЛЁСОВА тайёрлади.**

